

МУРАТОВ Донийёр

Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Исломишунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ICESCO кафедраси доценти,
тарих фанлари номзоди
doniyorhoji@mail.ru

ИМОМ ДОРИМИЙ ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА

ABOUT THE SCHOLARLY ACTIVITY OF IMAM DORIMY

О НАУЧНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ИМАМА ДАРИМИ

Аннотация: Мазкур мақолада ислом илмида чуқур из қолдирган Самарқандлик машҳур муҳаддис Абдуллоҳ ибн Абдурахмон Доримийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ўрганилган. Муаллиф унинг ҳадис илмидаги ўрнини, ровийлар ишончилиги ҳақидаги фикрларини ҳамда ёзган асарлари, хусусан, “Сунан” асарининг аҳамиятини таҳлил қилади. Шунингдек, имомнинг тақводорлиги, ҳофизлиги ва қози сифатидаги фаолияти ҳақидаги маълумотлар тақдим этилган.

Таянч сўзлар: Ҳадис, Доримий, Сунан, муҳаддис, Самарқанд, ровий.

Аннотация: В данной статье исследуется жизнь и научная деятельность выдающегося хадисоведа из Самарканда Абдуллаха ибн Абдуррахмана Дарими. Автор анализирует его вклад в науку хадисов, взгляды на достоверность передатчиков и значение его произведений, особенно труда «Сунан». Также приводятся сведения о его благочестии, статусе хранилища хадисов и деятельности в качестве судьи.

Ключевые слова: Хадис, Дарими, Сунан, хадисовед, Самарканд, передатчик.

Annotation: This article explores the life and scholarly contributions of the renowned hadith scholar from Samarkand, Abdullah ibn Abdurrahman Darimi. The author examines his role in hadith science, views on the reliability of transmitters, and the significance of his works, particularly “Sunan.” Insights into his piety, expertise as a hadith memorizer, and judicial activities are also provided.

Keywords: Hadith, Darimi, Sunan, hadith scholar, Samarkand, transmitter.

КИРИШ

Ҳадис илми тарихида ўчмас из қолдирган алломаларимиз жуда кўп. Айниқса, Самарқанд ўзининг кўплаб муфассир, фақиҳ, тасаввуф олимлари қатори муҳаддислари билан ҳам танилган. Бу ерда ислом тарқалиши билан исломий илмлар ҳам ривожлана бошланган. Шулар қатори ҳадис илми ривожланиб, бу бўйича олимлар ҳам етилиб чиқди.

Ислом оламининг илмий ривожланишига бебаҳо ҳисса қўшган улуғ алломалардан бири имом Доримий ҳисобланади. У илм-маърифатга чуқур боғланган, мусулмон уммати учун турли соҳаларда кадрли билимларини қолдирган буюк муҳаддис ва фақиҳ сифатида танилган. Имом Доримийнинг илмий фаолияти ҳадис илми, фикҳ ва тарих илмларида муҳим ўрин тутиб, у қолдирган асарлар уламолар томонидан кенг ўрганиб келинмоқда.

Унинг ҳаёти, илмий сафарлари ва шогирдлари билан бўлган мулоқотлари ислом илм-фанининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатган. Шунингдек, имом Доримий ҳадис илмидаги юксак савияси билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Унинг асарлари, жумладан, “Сунан Доримий” китоблари ислом таълимотининг асл манбаи сифатида катта аҳамиятга эга. Унинг илмий мероси нафақат ўтмишдаги, балки ҳозирги замон илм аҳли учун ҳам йўлчи юлдуз бўлиб қолмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Самарқанднинг энг машҳур муҳаддислардан бири Абдуллоҳ ибн Абдурахмон Доримийдир. Унинг тўлиқ исми Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ибн Фазл ибн Баҳром ибн Абдусомад Абу Муҳаммад Тамимий Самарқандий Доримий бўлиб, ҳадис ҳофизини, шайхул ислом бўлиб танилган. Манбаларда имом Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий вафот этган 181/797 йили туғилгани учун унга Абдуллоҳ деган исм қўйилгани ҳақида ривоятлар келган. Имом Заҳабий [13:99] ва имом Суютий [14:239] мазкур олимни ўз асарларида муҳаддисларнинг тўққизинчи табақасида эканини кўрсатишган.

Имом Доримий ёшлик чоғидан ўзининг ўтқир зеҳни ва ҳифзи кучли экани билан бошқалардан ажралиб турган. Манбаларда олимнинг оиласи ҳақида кўп маълумотлар

учрамайди. Унинг тоғаси Абу Усома Аҳмад ибн Муовия ва жияни Абу Аҳмад Фазл ибн Муҳаммад Доримийларнинг ҳадис ривоят қилганларидан олим зиёлилар оиласида ўсган дейиш мумкин.

Имом Доримийнинг илми борасида куйидаги ривоятда кўринади. У ҳаж сафари давомида Куфада тўхтаб, Яҳё ибн Абдулҳамид Ҳаммоний (ваф. 842 й.) ва бошқа муҳаддислар билан суҳбатда бўлган. Суҳбатлар баҳс-мунозаралар шаклида бўлиб, ҳадис ровийлари, иснодларнинг ишончлилиги устида бўлиб ўтган [15:123]. Натижада, Имом Доримий Яҳё Ҳаммонийнинг адолатли, ишончли ровийлигига шубҳаланиб, ўзи ундан ҳадис ривоят қилмаган, бошқаларга ҳам ундан ҳадис олишни маслаҳат бермаган. Жумладан, Абдуссамад ибн Сулаймон Балхий (ваф. 860 й.) буюк муҳаддис Аҳмад ибн Ҳанбал ҳам имом Доримийни “Имом” деб улуғлагани ва унинг сўзига таянган ҳолда Яҳё Ҳаммонийдан ҳадис қабул қилиб олмаганини таъкидлайди. Ана шу ҳолат имом Доримийнинг ровийлар борасида билими, унинг мавқеи юқори бўлганлигидан дарак беради. Бошқа томондан Хатиб Бағдодий келтирган маълумотлардаги суҳбатдошларнинг ҳаёт йилларини аниқлаш орқали имом Доримий тахминан 40 ёшларида ҳаж сафарига боргани, сафар чоғида ҳам ҳадислар жамлаш устида тинмай излангани борасидаги хулосага келиш мумкин [3:54].

Имом Доримий Самарқандда таълим олишни бошлайди. Бундан ташқари, Миср, Ироқ, Шом, Ҳижоз ва Хуросоннинг турли шаҳарларида олимлардан таълим олиб қайтади.

Доримийга замонасининг кўплаб кўзга кўринган олимлари таълим берганлар. Улардан Язид ибн Ҳорун Зодий (ваф. 206/822 й.), Муҳаммад ибн Башшор Бундор (ваф. 252/866 й.), Муҳаммад ибн Юсуф Фарёбий (ваф. 212/827 й.), Исмоил ибн Абон Варроқ Аздий (ваф. 216/831 й.), Абдуллоҳ ибн Солиҳ Жуханий (ваф. 222/837 й.), Аҳмад ибн Абдуллоҳ Тамимий (ваф. 227/842), Яҳё ибн Маин Ғатафоний (ваф. 233/847 й.), Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Халаф (ваф. 237/852 й.), Абдуллоҳ ибн Саид Киндий (ваф. 257/871 й.), Абд ибн Ҳумайд Кеший (ваф. 249/863 й.) ва бошқаларни келтириш мумкин.

Олимдан кўплаб шогирдлар таълим олган. Улардан имом Муслим, Абу Довуд, Термизий,

Абу Зуръа (ваф. 281/894 й.), Жаъфар ибн Муҳаммад Фарёбий (ваф. 301/914 й.), Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳанбал (ваф. 296/909 й.), Абдуллоҳ ибн Убайдуллоҳ Абу Абдурахмон Бухорий (ваф. 307/922 й.), Умар ибн Бужайр, Жаъфар ибн Аҳмад Исфохоний, Исо ибн Умар Самарқандий (ваф. 320/932 й.), Бақи ибн Махлаб ва бошқаларни келтириб ўтиш ўринли. Имом Бухорий ва Насойилар ўзларининг асосий асарларидан бошқа ўринларда ундан ривоятлар келтирганлар.

Имом Доримийдан имом Муслим “Саҳиҳ” асарида 72 та, имом Термизий 63 та, имом Абу Довуд “Сунан” асарларида 3 та ҳадис ривоят қилганлар [4:33-78]. Кучли муҳаддислар имом Доримийнинг асарида ҳадислар ривоят қилиши олимнинг илми нақадар бекиёс экани кўринади.

Замонасининг машҳур олимлари имом Доримий ҳақида яхши фикр билдирганлар. Муҳаддис Абд ибн Ҳумайд шундай деган: «Абдуллоҳ (Доримий) бизнинг устозимиздир. Дунёда унингдек мавжуд эмас». Имом Абу Хотим: «Ўз замонасининг имоми», деган.

Олим Ибн Ҳайён шундай деган: «Тақводор ҳофизлардан бўлган. Ҳадисларни ёдлаган, тўплаган, фикҳни ўрганган, китоблар ёзган, ҳадис ривоят қилган. Ўз юртида суннатни ёйган».

Хатиб Бағдодий: «Ҳофиз ва жаҳонгашталардан бири, ишончлилиги, зуҳди, тақводорлиги билан ажралиб туради. Самарқандда қози бўлган, унда бир марта ҳукм чиқариб истефога чиққан» [7:7], деган.

Машҳур муҳаддис Аҳмад ибн Ҳанбал шундай деган: «Унга мол-дунё берилганда қабул қилмаган».

Олим Ражо ибн Муржи: «Ундан кўра ҳадисни яхшироқ билган бирор кишини билмайман» [7:8], деган.

Олим Муҳаммад ибн Башшор: «Дунё ҳофизлари тўртта: Райда Абу Зуръа, Нишопурда Муслим ибн Ҳажжож, Самарқандда Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ва Бухорода Муҳаммад ибн Исмоил» [8:226], деган.

Олим 255/869 йили 74 ёшида Марвда вафот этган.

Имом Доримий ҳадис илмида танилган бўлсада, у муаррих ҳам бўлган. Чунки ҳар бир муҳаддис ўзи ўрганган барча ҳадисни, уни китобига киритадими ёки киритмайдими,

ровийсини ўрганиши зарур илмлардан ҳисобланади. Ровийни ўрганиш ҳадис илмининг ажралмас қисми бўлиб, аҳли илмнинг муҳаддис ва фақиҳлари томонидан йиллар давомида амалга оширилган илмий фаолиятнинг муҳим йўналишларидан биридир [5:6]. Бу илмий тадқиқотлар ҳадисларнинг ҳар бир ровийсининг ҳаёти, фазилатлари, ишончилиги ва ривоят қилиш усуллари таҳлил қилишга қаратилган. Ҳадис илмида ровийларни ўрганишнинг асосий мақсад – ҳақиқий, тўғри ва аниқ ҳадисларни таҳлил қилиш ва фойдаланишдир. Муҳаддис ровийнинг ҳаёт йўлини тўлиқ ўрганишга ҳаракат қилиб, ҳадисни кимдан, қачон ва қерда эшитганини билиши зарур бўлган. Айнан мана шу сабаб муҳаддислар томонидан тарихни ўрганишга туртки берган. Имом Доримий ҳам ҳадисларининг ишончилигини таъминлаш учун ҳар бир ровийни тарихини билган. Турли жойлардаги ровийларнинг тарихини билиш ўша жойларнинг тарихини билишга ҳам йўл очади. Натижада ўзи ишончли деб билган ровийларининг ҳадисларини “Сунан” асарига киритган. Юқоридагилардан келиб чиқиб имом Доримийни тарих олим дейиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Имом Доримий фақиҳ ҳам бўлган. Унинг фақиҳлиги “Сунан”ни фикҳий услубда жамлагани ҳамда қозилик лавозимида бироз муддат ишлаганидан кўриш мумкин. Имом Доримий бир қанча муддат Самарқандда шайхул ислом лавозимида ҳам фаолият кўрсатган. Шунингдек, Насафийнинг таъкидлашича, “... у табиятан вазмин, адолатпарвар ва ҳақиқатгўй, инсоф ва диёнати баркамол, ҳар қандай вазиятда ақл-идрок, чуқур тафаккур ва мулоҳаза билан иш юритгани боис ҳоким томонидан Самарқанднинг Бош қозиси лавозимига таклиф қилинади. Аллома аввалига рад жавобини берса ҳам, лекин ҳоким ўз фикрида қатъий туриб олгач, рози бўлади. Бироқ қозихонада атиги битта иш кўрилгач, у ўзини ушбу лавозимдан озод этишларини илтимос қилади. Унинг илтимоси қондирилиб, истеъфога чиқарилган бўлсада, халифа Муътазз Биллоҳдан қозилик ёрлиғини (“Китоб ул-Қазо”- كتاب القضاء) олган”. Шундай экан, Имом Доримийнинг бош қози лавозимига таклиф қилиниши ва унга юборилган ёрлиқ умрининг охириги йилларида рўй берган [3:56].

Чунончи имом Доримий яшаган даврда ҳадис илми ривожланган бўлган. Аммо олим

дарс беришга қаттиқ эътибор қаратганидан унинг асарлари сони кўп эмас. Унга шуҳрат келтирган энг асосий асари «ас-Сунан»¹ ҳисобланади. Бу асарни баъзилар «ал-Муснад»² деб ҳам атайдилар. Жумладан, Хатиб Бағдодий, Ибн Салоҳ, Қуртубий, Заҳабий, Ибн Ҳажар Асқалоний каби катта муҳаддислар “Муснад” деб атаганлар. Жалолиддин Суютий, Ҳожи Халифа, Каттоний каби муҳаддислар эса “Сунан” деб атаганлар. Агар китобнинг тузилиши ва ҳадислар муайян мавзулар асосида жамланган бўлса, уни “сунан” тўплами дейиш тўғрироқ бўлади. Ўрни келганда айтиш мумкинки, ҳижрий 5/12 асргача муҳаддислар барча ҳадис тўпламларини санадга асосланиб ёзилган. Шундан келиб чиқиб ўша даврдаги барча йўналишда ёзилган асарларни муснад дейиш хато бўлмайди. Бу имом Доримийнинг “Сунан”ига ҳам оид. Шу билан бирга асарнинг ичидаги ҳадисларнинг тартибланиши нуқтаи назаридан уларни турларга ажратиш мақсадга мувофиқ. Имом Доримийнинг “Сунан” асари фақиҳлар усулига кўра фикҳий боблар асосида тартибланган [9:46]. Шунинг учун уни сунан дейиш асослироқ бўлади. Имом Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа каби олимларнинг сунанлари ҳам шу тартибда ёзилган. “Сунан” китобларга, китоблар ўз навбатида бобларга бўлинган. Имом Доримийнинг асари муқаддима ва ибодат, муомалот, укубат ва бошқа масалалар билан боғлиқ жами 23 та китобни ўзида жамлаган [3:91].

Ибн Можа ўз китобида ёлгон билан айбланган кишилар ва ҳадис ўғриларида ривоят қилинган ҳадисни киритгани учун баъзи уламолар «олти саҳиҳ» қаторига Ибн Можа сунанини эмас, Доримий китобини қўшиш

¹ «Тахорат» бобидан «васиятлар» бобигача фикҳ тартиби бўйича ҳукмга оид ҳадислар тўпланган китоблар «Сунан» деб номланади. Бу бўйича ёзилган асарлар жуда кўп бўлиб, уларнинг машҳурларига имом Абу Довуд, имом Термизий, имом Доримий ва имом Насойининг «Сунан» асарларини мисол келтириш мумкин.

² Санадларга асосланган ҳолда жамланган ҳадис тўпламларига муснад тўпламлар дейилади. Муснад услубида ёзилган ҳадис тўпламларининг тури асосан уч хил бўлади: 1. Саҳобаларнинг номлари алифбо тарзида жойлаштирилиб, бир саҳобий ривоят қилган барча ҳадислар бир жойда келтирилади, ундан кейин бошқа саҳобий ва ҳоказо; 2. Ҳар бир саҳобанинг фазилатига қараб тузилади; 3. Саҳобийларнинг исломга кириш тарихига кўра, олдин Абу Бакр (р.а.) ники келтирилиб, ундан кейин бошқалар билан давом эттирилади.

лозимлигини айтганлар [2:43]. Чунки, Доримий китобида, агарчи мурсал, мавкуф ҳадислар бўлса ҳам, заиф ровийлар ва мункар ҳадислар жуда оз.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, “Сунан”нинг ўзига хос жиҳатлари бор. Имом Доримий имом Бухорийдан олдинроқ яшагани учун “Сунан”даги ҳадисларнинг иснодида ровийлар сони камроқ бўлган ривоятлар кўп. Жумладан, имом Доримийнинг “Сунан”идаги сулосиёт³, рубоиёт⁴ ҳадислар адади имом Бухорийнинг “Саҳиҳ” асаридагидан кўра кўпроқ [9:44]. Бу ҳолат “Сунан”нинг олимлар наздидаги даражасини оширади, чунки бундай иснодли ривоятлар олий⁵ санадга эга бўлган ҳисобланади. Ҳадис иснодларини олий қилишга ҳаракат ҳар бир муҳаддиснинг асосий мақсади бўлган. Имом Доримийнинг “Сунан”ида рубоиёт ҳадислар ҳам кўп. Жумладан, тадқиқотчи Абдулҳаким Абд Муҳаммад Нажжор рубоиёт ҳадислар борасида тадқиқот олиб борган. Унда қуйидаги хулосаларни берган [1:317]:

1. Доримийнинг “Сунан”ида 3503 та ҳадис бор;

2. Доримий саҳиҳ лизатиҳи⁶, саҳиҳ лиғойриҳи⁷, ҳасан лизатиҳи⁸, ҳасан лиғойриҳи⁹

³ Сулосиёт – ҳадис иснодида ровийлар адади уч киши бўлган ривоятга айтилади, яъни Пайғамбар (а.с.) ва муҳаддис орасида уч киши бўлади.

⁴ Рубоиёт – ҳадис иснодида ровийлар адади тўрт киши бўлган ривоятга айтилади, яъни Пайғамбар (а.с.) ва муҳаддис орасида тўрт киши бўлади.

⁵ Олий иснод – иснодида ровийлари кам бўлган ҳадисга айтилади, яъни Пайғамбар (а.с.) ва муҳаддис орасида ровийлар кам бўлиши.

⁶ Ҳадиснинг саҳиҳ эканига қўйилган 5 та шарт (исноднинг муттасил бўлиши, ровийлар адолатли ва забтли бўлиб, шоз ва иллатдан холи бўшлишлик) барчаси мавжуд бўлган ҳадис саҳиҳ лизотих (ўзидаги хусусиятларига кўра саҳиҳ) ҳисобланади.

⁷ Ҳасан ўзидан бошқа кучлироқ ёки баробар ҳадис билан қувватланган ҳадис саҳиҳ лиғайриҳ (бошқа сабаб билан саҳиҳ) бўлади. Бу турдаги ҳадис иснодларини алоҳида-алоҳида ҳолда қўриб чиқилганда, уларнинг барчаси саҳиҳлик талабларига жавоб бермаслиги мумкин. Аммо, иснодларнинг барчасини жамлаган ҳолда қаралганда, умумий тарзда санад кучли бўлади. Саҳиҳ лиғайриҳ бўлган ҳадислар саҳиҳлигининг энг паст даражаси ҳисобланиб, саҳиҳ лизотихдан паст ва ҳасан лизотихдан баланд даражалидир.

⁸ Ҳадиснинг санади муттасил бўлиб, одил ва зобти бироз енгилроқ ровийдан нақл қилинган, иллатли ҳамда шозз бўлмаган ҳасан лизатиҳи бўлади.

⁹ Ривоят қилинган йўллари кўп бўлиб, бир-бирини қувватлаган заиф ҳадис ҳасан лиғойриҳи дейилади.

тўпламнинг асосий қисмини ташкил этади. Аммо асарда заиф ҳадислар бўлсада улар жуда кам;

3. Доримийнинг “Сунан”ида марфу¹⁰ ҳадислар ривоятларнинг кўпини ташкил этади. Шунингдек, мавкуф¹¹, мақту¹² ҳадислар ҳам бўлиб, бир оз мурсал¹³ ҳадислар учрайди [9:46].

4. Рубоиёт ҳадислар ҳам олий иснодли ҳадислардан ҳисобланади;

5. “Сунан”да сулосиёт ҳадислар ҳам бор;

6. “Сунан”да рубоиёт ҳадисларнинг адади 730 тани ташкил этади. Уларнинг аксари саҳиҳ ҳадислардир;

7. “Сунан”да рубоиётларнинг 72 таси муттафакун алайҳи¹⁴ ҳадислар;

Имом Доримий “Сунан”ининг яна қуйидаги хусусиятларини келтириш мумкин:

1. Асар 57 бобга эга бўлган муқаддима билан бошланган. Бу имом Муслим “Саҳиҳ”ининг муқаддимасига ўхшайди. Аммо у пайғамбарлик ва Расулulloҳ (с.а.в.)нинг сийратлари, фазилатлари, сифатлари ҳам ёритилган.

2. Баъзи ўринларда бобларни бошлашдан олдин Қуръони карим оятларини келтиради.

3. Агар бирор ғариб ал-ҳадис¹⁵ келса уни баён қилиб ўтган [9:47]. Муҳаддисларнинг ҳадис матнидаги ғариб сўзларни шарҳлаб ўтиши кам учрайдиган ҳолатлардан ҳисобланади. Имом Доримийнинг ғариб сўзларни шарҳлаб баён қилиб ўтиши китобидаги ҳадисларни ўқувчи учун тезроқ тушунишига ёрдам беради. Олим аввал ҳадисни келтиради, унинг кетидан “Абу Муҳаммад деди”, деб ғариб сўзни изоҳини келтиради. Масалан, “Аломат ан-Нубувва” китобида “Софий” сўзини “сути кўп”, “Риқоқ” китобида “Хома” сўзини “заиф” деб беради [12:121].

¹⁰ Ҳадис исноди Расулulloҳ (с.а.в.)га етиб борган ривоят. Расулulloҳ (с.а.в.) шундай дедилар, қилдилар каби.

¹¹ Ҳадис исноди саҳобага етиб борган ривоят. Саҳобий шундай деди, қилди каби.

¹² Ҳадис исноди тобиийга етиб борган ривоят. Тобиий шундай деди, қилди каби.

¹³ Тобиий ҳадисни ривоятида саҳобийни келтирмай «Расулulloҳ шундай дедилар», «бундай қилдилар» ёки «ҳузурларида бундай бўлди» деб у кишини гўё ўз кўзи билан кўргандек қилиб айтиши мурсал бўлади.

¹⁴ Бир ҳадисни ҳам имом Бухорий, ҳам имом Муслим ривоят қилган бўлса, у «муттафакун алайҳи» («шунга қилишилган») деб номланади.

¹⁵ Ғариб ал-ҳадис ҳадисларда учрайдиган, бироқ кам ишлатилгани учун изоҳталаб сўзларга нисбатан ишлатиладиган атама.

4. Баъзи фикҳий фойдаларни истинбот қилиш учун ҳадисларни қайта зикр қилиб ўтади.

5. Аввал марфу, кейин мавқуф ва макту ривоятларни келтиради.

Шу билан бирга иснодида заиф ровийлар сони кам. Мункар ва шоз ривоятлар ҳам камлиги билан бошқа ҳадис тўпламларидан ажраб туради. Аҳком туридаги ҳадислар асарнинг аксарият қисмини ташкил этади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Самарқандлик машҳур муҳаддис Абдуллоҳ ибн Абдурахмон Доримийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти кўп олимлар томонидан ўрганилган. Имом Доримий ислом илмлари, айниқса, ҳадис илмига қўшган муҳим ҳиссаси билан танилган. Унинг асосий асари “Сунан” деб аталади ва у ҳадисларнинг ишончилигига катта эътибор қаратган.

Имом ўз асарида фикҳий масалаларни ҳам ёритган. Унинг илмий мероси ҳадис илмида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унинг суннатни ёйиш, ровийларни ўрганиш ва ҳадисларни тўплашга бағишланган меҳнати юқори баҳоланган.

Мақолада Имом Доримийнинг ҳаёти, у билан ишлаган уламолар ва шогирдлари, шунингдек, унинг ишонган ровийларига оид тафсилотлар келтирилган. У Самарқандда қозилик лавозимида фаолият кўрсатган ва суннатни ёйишда етакчи бўлган. Олимнинг “Сунан” асарида юқори санадли ҳадислар кўп бўлиб, у ҳадис илмидаги муҳим манбалардан бири ҳисобланади.

Имом Доримий нафақат муҳаддис, балки муаррих ва факих ҳамдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдулҳаким Абд Муҳаммад Нажжор. Рубоиёт ал-имом ад-Доримий фи Сунаниҳ: Жамъан ва таҳрижан ва диросатан. – Ғазза: ал-Азҳар, 2012. – 336 б.
2. Алимова М. Имом Доримийнинг ислом илмлари ривожига тутган ўрни. – Т.: Ислом тафаккури. № 3 (махсус сон). 2024. – 41-47.
3. Алимова М. Имом Доримийнинг ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссаси. – Тошкент: Complex Print, 2019. – 189 б.
4. Ғумарий, Нубайл ибн Ҳошим. Фатҳ ал-маннон. Шарҳ ал-муснад ал-жомеъ ли Аби Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдурахмон. – Байрут: Дор ал-башоир ал-исломия. 1999 й. – Т. 1. – 576 б.

5. Доримий. Китоб ал-муснад ал-жоме. – Макка: Дор ал-башоир, 2013. – 959 б.
6. Доримий. Мухтасар муснад ад-Доримий. – Миср: Дор ал-асар. 2023. – 338 б.
7. Доримий. Сунан. – Карачи: Қадимий кутубхона, 1987. – Т. 1. – 503 б.
8. Заҳабий, Шамсуддин Муҳаммад. Сияр аълом ан-нубало. – Байрут: ар-Рисола, 1996. – Т. 12. – 663 б.
9. Мансур Маҳмуд, Ашраф Маҳмуд. Маолим ал-фикҳ ва усулиҳ инда ал-имам ад-Доримий фи китабиҳ ас-сунан (дироса ҳадисия фикҳия). – Байрут: Мажалла Маҳкама. № 7. 2011. – 40-106.
10. Маҳмуд Муҳаммад Халаф. Ал-Имом ад-Доримий муҳаддисан. – ал-Қоҳира: Мажалла ал-Азҳар, № 1. 2019. – Б. 900-903.
11. Озимий, Аҳмад Маҳно. Ал-Имом ад-Доримий ва муснадух // Мажалла марказ ал-буҳус ва-д-диросот ал-исломия. – Работ: № 34. 2012. – Б. 287-325.
12. Хазражий, Собит Ҳусайн. Ғариб ал-ҳадис инда ал-имам ад-Доримий фи китабиҳ ас-Сунан. – Диёло: Мажалла Диёло, № 2. 2011. – Б. 103-125.
13. Заҳабий, Шамсуддин Муҳаммад. Ал-Муин фи табакот ал-муҳаддисин. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1998. – 430 б.
14. Суютий, Жалолиддин. Табакот ал-ҳуффоз. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1994. – 606 б.
15. Бағдодий, Хатиб. Тарих Бағдод. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1997. – Т. 14.